

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.32/30.12.2019.Үн.74.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

**МАТКАРИМОВ ҚУДРАТ ҚАЛАНДАРОВИЧ**

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИНИ  
ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ  
ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation**

**Маткаримов Қудрат Қаландарович**

Жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш.....3

**Маткаримов Қудрат Қаландарович**

Гуманизация уголовного судопроизводства .....33

**Matkarimov Kudrat Kalandarovich**

Humanization of criminal proceedings.....63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....67

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.32/30.12.2019.Үн.74.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

**МАТКАРИМОВ ҚУДРАТ ҚАЛАНДАРОВИЧ**

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИНИ  
ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ  
ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Ү314 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Миразов Даврон Мирагзамович**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ражабов Бахтиёр Алмаҳматович**  
юримдик фанлар доктори, доцент

**Раҳмонова Сурайё Маҳмудовна**  
юримдик фанлар доктори, доцент

**Астанов Истам Рустамович**  
юримдик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат  
Университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2019.Ү3.74.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «29» май соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; [mg-hti@umail.uz](mailto:mg-hti@umail.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1767/2-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2020 йил «16» майда тарқатилди.

(2020 йил «16» майдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

**М.Х.Рустамбаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
юримдик фанлар доктори, профессор

**М.Т.Аҳмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, юримдик фанлари номзоди, доцент

**М.Б.Усмонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори,  
профессор

## КИРИШ (Фан докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда жиноят ишлари юритувида далилларни тўплаш текшириш ва баҳолаш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплаш, жиноятларни олдини олиш, реабилитация, процессуал муддат ва чиқимларни қўллаш, судда иш юритиш, ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш жараёнида шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш, мазкур жараёнларда инсонпарварлик мезонларига риоя қилишни тўлиқ рўёбга чиқариш тенденциясига эътибор кучаймоқда.

Жаҳонда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларининг устуворлиги қатор қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, инсон ҳуқуқларига доир 400 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар мавжуд. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги тамойиллари давлатлар томонидан тан олинган. Албатта, мазкур ҳужжатларда инсонпарвар қадриятлар марказий ўринни эгаллайди. Хусусан, БМТ Низомининг 55-моддасида “инсон ҳуқуқларига, кишиларнинг ирқи, жинси, тили ва динидаги тафовутларидан қатъи назар, ҳамманинг асосий эркинликларига ялпи ҳурмат билан қараш ва уларга риоя қилишга кўмаклашиш”<sup>1</sup> зарурлиги мустаҳкамланган. Кўплаб хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили уларда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг самарали механизмлари жорий этилганлиги, жиноят суд иш юритувида тезлаштирилган ва соддалаштирилган иш юритиш тартиблари кенг қўлланилиши, жиноят процессининг тарбиявий функциясига алоҳида эътибор қаратилганлиги, жиноят процессида шахсларнинг иштирокида инсонийлик мезонлари устувор аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

Республикамызда изчиллик билан амалга оширилган ислохотлар натижасида 2001 ва 2017 йилларда умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилди<sup>2</sup>, 2008 йилдан қамоққа олиш, 2012 йилдан шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш, 2017 йилдан почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва мурдани эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларнинг ваколатига ўтказилди<sup>3</sup>, 2016 йилдан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинди<sup>4</sup>, 2017 йилдан қамоқ тариқасидаги жиноий жазо тугатилди, жиноятни содир

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг низоми ва Халқаро суд статuti. – Тошкент, 2008. 29-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4848-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 40-сон, 467-модда.

этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилди, камоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди, суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилинди<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари қарийб 25 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ўтган даврда жамиятдаги муносабатлар, одамларнинг яшаш тарзи, онги, дунёқараши ўзгарди<sup>2</sup>. Шу сабабли, бугунги кунда холисона таҳлил, ислохотларимизнинг мантиғи ва изчиллиги, жиноят ишлари юритувининг энг самарали усул ва воситаларини шакллантириш зарурати жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва иинсонпарварлаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Республикамизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш, жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жинойий қилмишларни декриминаллаштириш, жинойий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш<sup>3</sup> долзарб вазифалардан бири эканлиги белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида келтирилган “Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак”<sup>4</sup>лиги ҳақидаги сўзлар жиноят процессуал қонунчиликни янада инсонпарварлаштириш давр тақозоси эканлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), “Жиноят ишини юритиш чоғида камоқда сақлаш тўғрисида”ги (2011), “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги (2012), “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2019) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5268-сон, 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4850-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 43-сон, 497-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

<sup>4</sup>2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь. №19 (7521). 4-б.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5308-сон, 2019 йил 17 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5635-сон фармонлари, 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3723-сон Қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий таъминлаштириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия), Indiana, Maryland, Vancouver, Texas, Stanford, Harvard (АҚШ), Oxford (Англия), Dublin (Ирландия), Victoria (Янги Зеландия) ва Western Ontario (Канада), Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Москва Академияси, Санкт-Петербург университетида олиб борилмоқда.

Жаҳонда жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш жараёнини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижаларга эришилган: тергов жараёнини инсонпарварлаштириш мақсадида тергов қилишга терговчиларни ихтисослаштириш лозимлиги асослаб берилган (Вэйн давлат университети, Детройт, АҚШ); вояга етмаганлар ишларини юритишда ювенал психологлар хизматини жорий қилиш лозимлиги асослаб берилган (Миннесота университети, АҚШ); жиноят процессини такомиллаштириш ҳамда ундаги нормаларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида инсонпарварлаштириш концепцияси ишлаб чиқилган (Stanford, Harvard (АҚШ), Жиноят-процессуал кодексига инсонпарварлик принципини киритиш лозимлиги асосланган (Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия), вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчига эҳтиёт чораси сифатида гаровни таъминлайдиган шахслар ҳуқуқий мақомини қонунда белгилаш лозимлиги асослаб берилган (Dublin (Ирландия), шахсий кафил, гаров берувчи каби жиноят процесси иштирокчиларини Жиноят-процессуал кодексига киритиш лозимлиги асослаб берилган (Victoria (Янги Зеландия), жиноят иши

---

<sup>1</sup> [www.jstor.org](http://www.jstor.org); [www.apa.org](http://www.apa.org); [www.ucl.ac.uk](http://www.ucl.ac.uk) /jill-dando-institute /forensic-sciences; [warwick.ac.uk](http://warwick.ac.uk) /fac/soc/law /research/centres/cjc; [www.bournemouth.ac.uk](http://www.bournemouth.ac.uk); [www.tru.ca](http://www.tru.ca); [www.ucl.ac.uk](http://www.ucl.ac.uk); [www.rwu.edu](http://www.rwu.edu); [www.utas.edu.au](http://www.utas.edu.au); [en.nagoya-u.ac.jp](http://en.nagoya-u.ac.jp); [www.u-tokyo.ac.jp/en](http://www.u-tokyo.ac.jp/en); [www.utoronto.ca](http://www.utoronto.ca); [www.yale.edu](http://www.yale.edu); [aliph.library.it](http://aliph.library.it); [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu); [www.cam.ac.uk](http://www.cam.ac.uk); [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk); <https://elt.oup.com>; [www.psychiatry.org](http://www.psychiatry.org); [spbu.ru](http://spbu.ru); [www.msu.ru](http://www.msu.ru); [www.unr.edu](http://www.unr.edu); [www.aafs.org](http://www.aafs.org); [www.ams.org](http://www.ams.org); [www.allacademic.com](http://www.allacademic.com); [www.northwestern.edu](http://www.northwestern.edu).

юзасидан битта билвосита ёки ҳосила далил мавжуд бўлганда далилни жиноят ишини мазмунан ҳал қилишда етарли эмас деб топилиши лозимлиги асослантирилган (Western Ontario (Канада), ишни судга ўтказиш босқичида айблов хулосаси билан бирга ҳимоячининг ҳимоя хулосасини ҳам беришга оид таклиф ишлаб чиқилган (Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Москва Академияси).

Дунёда жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар ечимини топишга қаратилган қатор, жумладан, халқаро стандартларни имплементация қилиш орқали жиноят-процессуал муносабатларда инсонпарварлик принципини жорий қилиш ва унинг талаблари устуворлигини таъминлашга оид қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: жиноят ишларини юритишда қонуний, асосли, адолатли олинган ва ҳар томонлама текширилган ва баҳоланган далиллардан фойдаланиш орқали айблов хулосаси, ҳимоя хулосаси, ҳукм ва қарорлар қабул қилиш орқали жиноят процессини инсонпарварлаштириш, фақатгина жиноят ишларини очиш ва тергов қилишда ҳимоя хулосаси институтини қўллашни кенгайтириш; ярашув институтини қўллаш доирасини кенгайтириш; шахсинг шаъни ва кадр-қимматини камситмайдиган самарали ва таъсирчан усуллардан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш кабилар.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришнинг баъзи жиҳатлари Ғ.А.Абдумажидов, У.А.Абдурахмонов, Ф.Х.Алимов, И.Р.Астанов, Б.А.Ахмедов, С.М.Ачилов, С.Р.Базаров, З.Ф.Иноғомжонова, С.Н.Мамадиев, И.А.Матжанов, Д.М.Миразов, Б.А.Ражабов, С.М.Рахманова, Б.Н.Рашидов, С.М.Саҳаддинов, Т.Н.Тиллаев, Г.З.Тулаганова М.С.Утепбергенов, Ш.Ф.Файзиев, Н.И.Хайриев, Ғ.М.Шодиев, Н.М.Қўшаевлар томонидан жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришнинг айрим жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

МДХ давлатларида таҳлил қилинаётган мавзунинг айрим жиҳатлари К.А.Бунин, Е.Н.Бурнос, О.В.Гладышева, А.А.Каджая, М.А.Мамошин, В.Н.Парфёнов, С.М.Прокофьева, И.Л.Трунов, О.В.Федорова, А.Б.Ширитов, В.В.Шипициналар тадқиқотларида ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш масалалари P.Darbyshire, C.Ambroise-Casterot, N.Fricero, L.Henry, P.Jaco, Marianne L. Wade, Andrew Ashworth, A.Sinnлар томонидан тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Абдумажидов Г. Ювенальная юстиция – гарант защиты прав и интересов детей // Республиканской конференций «Перспективы развития системы социальной защиты детей в Республике Узбекистан». 29-30 ноября 2007 г. – Ташкент: РЦСАД, 2007. – С. 107-110; Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш: назария ва амалиёт: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. 186-б.; Ачилов С.М. Возможности усиления защиты прав потерпевшего в уголовном процессе: Дисс.... канд. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2010. 195-с.; Мамадиев С.Н. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш: Юрид. фан. номз. .... дисс. – Тошкент, ТДЮИ, 2010. 208-б.; Тулаганова Г.З. Жиноят процессида процессуал мажбурият ва унинг ўзига хос хусусиятлари: Юрид. фан. докт ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. 407-б.; Файзиев Ш.Ф. Суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолиятини такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. 198-б.; Хайриев Н.И. Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш принципини амалга ошириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. –

Юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг илмий ишларида жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришнинг айрим жиҳатлари, яъни давлат айблови фаолиятини амалга оширишда, суд назоратини амалга оширишда вужудга келадиган процессуал муносабатларда, процессуал мажбурлов чораларини қўллашда инсонпарварлик принципи қоидаларидан келиб чиқиш, апелляция, кассация, назорат институтида инсонпарвар муддатларни қўллаш, махсус билимлардан фойдаланиш жараёнларида инсоннинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи нормалардан воз кечиш, ишни судда кўриш учун тайинлаш ва тайёрлаш жараёнларида процессуал муносабатларни инсонпарварлаштириш масалалари ёритилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлари асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш йўллари” (2016–2019) илмий изланишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришга қаратилган хулоса ва илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришнинг ижтимоий заруратини асослаш;

жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш бўйича халқаро-ҳуқуқий нормаларни таҳлил қилиш;

жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал мақомини инсонпарварлаштириш масалаларини таҳлил қилиш;

жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришнинг муҳим омили сифатида жиноят процессида ҳимоячининг мақомини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

исбот қилишнинг айрим воситаларини инсонпарварлаштириш хусусиятларини ёритиш;

процессуал мажбурлов чоралари қўллашни инсонпарварлаштириш имкониятларини таҳлил қилиш;

---

Тошкент: ТДЮИ, 2010. 187-б.; Шодиев Ғ.М. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати. Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. 175-б.; Қўшаев Н.М. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. 215-б.; Бунин К.А. Защита прав и законных интересов личности как назначение уголовного судопроизводства: Дисс ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону: 2011. 247-с.; Мамошин М.А. Участие специалиста в досудебных стадиях уголовного судопроизводства: Дисс... канд. юрид. наук. – М., 2013. 177-с.; Парфёнов В.Н. Обеспечение прав и законных интересов участников уголовного судопроизводства при особом порядке судебного разбирательства: Дисс ... канд. юрид. наук. – М., 2010. 265-с.; Прокофьева С.М. Гуманистические начала уголовного судопроизводства: Дисс ... канд. юрид. наук. – СПб., 1999. 299-с.; Ширитов А.Б. Государственная защита участников уголовного судопроизводства: проблемы уголовно-процессуального регулирования: Дисс... канд. юрид. наук. – М., 2014. 216-с.

жиноят ишларини судга қадар ва судда юритишни инсонпарварлаштириш масалаларини таҳлил қилиш;

вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишни инсонпарварлаштириш имкониятларини кўриб чиқиш;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларнинг юритувини инсонпарварлаштиришнинг процессуал-ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш;

ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишни инсонпарварлаштириш масалаларини таҳлил қилиш;

ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш имкониятларини кўриб чиқиш;

амалдаги Жиноят процессуал кодексини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш билан боғлиқ жиноят-процессуал ва бошқа ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини олиб боришда илмий билишнинг тизимли, мантикий (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий, формал-ҳуқуқий, статистик усулларидан, шунингдек социологик сўровлар ўтказиш, жиноят иши материалларини таҳлилий ўрганиб чиқиш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жиноят процессуал қонунчилигида фуқароларнинг шахсий маълумотларини олиш ва жиноятга алоқадорлигини текшириш фақатгина суд орқали, яъни инсонпарварлик қоидаларидан келиб чиқиб амалга оширилиши, шахсий сирга оид, почта-телеграф жўнатмаларидаги маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши лозимлиги асослаб берилган;

фуқароларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида суд томонидан инсонпарварлик принципларига таянган ҳолда жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш тартибини қонунга киритиш лозимлиги асослантилган;

фуқароларга тегишли жўнатмаларни хатлаш жараёнида судья инсонпарварлик қоидаларига зид равишда процессуал ҳаракатлар амалга оширилганда жўнатмаларни хатлашни рад қилиш ҳақида ажрим чиқара олиши зарурлиги ҳақидаги қонунни процессуал қонунчиликка киритиш лозимлиги асослантилган;

шахс ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, унинг эркинлигини чеклашда инсонпарварлик қоидаларига таянган ҳолда гумон қилинувчини ушлаб туриш муддатларини 72 соатдан 48 соатгача камайтириш орқали оптималлаштириш, қисқартириш зарурияти, унга бўлган процессуал эҳтиёжнинг кўлами ва йўналишлари, ўрни ва аҳамияти асослаб берилган;

шахснинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, инсонпарварликка асосланган тергов тизимида адолатни таъминлаш мақсадида процессуал ҳаракатларда терговчининг хоҳишидан қатъи назар ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларнинг вакилларини ишда иштирок этиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

жиноят процессига вояга етмаган жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчига қонунчиликда назарда тутилган шахслар орасидан қонуний вакилни танлаш механизмини киритиш лозимлиги асосланган;

жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқий мақомига аниқлик киритиш, шу жумладан, жабрланувчи мақоми бериладиган шахслар доирасини кенгайтириш зарурияти асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

жиноят процессига вояга етмаган жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчига қонунда назарда тутилган шахслар орасидан қонуний вакилни танлаш механизмини киритиш лозимлиги асосланган;

жиноят процессида тортишув принципининг реал жорий этилишини таъминлашда суд назоратини кучайтириш механизми таклиф этилган;

гувоҳни сўроқ қилишда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек агар гувоҳни техника воситалари ёрдамида сўроқ қилишнинг иложи бўлмаса, суд (судья) уни судланувчининг иштирокисиз сўроқ қилиши лозимлиги таклиф қилинган;

жиноят ишларини юритишнинг тарбиявий функциясига эътиборни кучайтирган ҳолда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари такомиллаштирилган;

Жиноят-процессуал кодексига “инсонпарварлик”, “одиллик” принципларини киритиш асосланганлиги, “судда ишларни юритишда тортишув” принципини механизмларини такомиллаштириш таклиф этилган;

жиноят процессида жамоатчилик иштироки механизмларига аниқлик киритиш, бунда жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг ваколатларини ошириш лозимлиги асосланган;

инсонпарварлик ва одиллик принципларига мувофиқ, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини қайта кўриб чиқиш, “вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчига эҳтиёт чораси сифатида гаровни таъминлайдиган шахслар”, “шахсий кафил”, “гаров берувчи”, “статист” каби иштирокчиларнинг мақомини белгилаш зарурлиги асосланган;

жиноят иши бўйича тўпланган далиллар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб эътироф этиш шартлари ишлаб чиқилган;

олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш тўғрисидаги санкцияни судлар ваколатига ўтказиш механизмлари ишлаб чиқилган;

жиноят процессида тортишув принципнинг реал жорий этилиши механизми сифатида “айблов хулосаси”га қарши “ҳимоя хулосаси”дан фойдаланиш, бунда “ҳимоя хулосаси”нинг жиноят-процессуал мақомини ошириш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижасини акс эттирувчи хулосалар жиноят-судлов ишларини юритиш соҳасида ишлаб чиқилган, процессуалист олимлар томонидан эътироф этилган ва монографик тарзда эълон қилинган назарий ишланмаларнинг ҳамда амалиётдаги мавзунинг предметига оид статистик маълумотлар таҳлиliga, шунингдек муаллиф томонидан илгари сурилган мавзуга тааллуқли хулосаларнинг асослилигини аниқлаш борасида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаси таҳлиliga таянилган, ишда фойдаланилган статистик маълумотлар ва ўтказилган анкета-сўровлари тегишли тартибда ҳужжатлаштирилиб расмийлаштирилган, муаллиф томонидан мавзу предметига тегишли қонунчилик нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш борасида шакллантирилган таклиф ва тавсиялар халқаро ҳуқуқ нормаларида жиноят ишлари юритувчини инсонпарварлаштириш соҳасидаги стандартларнинг мазмун ва моҳиятига ҳамда хориж жиноят процессуал қонунчилигидан инсонпарварлик принципи ҳамда ушбу мавзуга оид бошқа изланувчиларнинг тадқиқотларидаги умумилмий-методологик асосларга монанд келади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти шундаки, муаллиф томонидан жиноят ишлари юритувчини инсонпарварлаштириш тушунчаси, унинг хусусиятларини англаш борасида ишлаб чиқилган назарий хулоса ва қоидалар, шунингдек жиноят ишлари юритувчини инсонпарварлаштиришнинг келгусидаги ривожланиш йўналишлари борасидаги асослар ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитишга ва янги илмий тадқиқотлар олиб боришга имкон яратади ҳамда тадқиқотчининг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари ва принципларини такомиллаштиришга оид таклифлари жиноят ишларини юритишда инсонпарварлик мезонларини кучайтириш учун илмий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса, мавзунинг тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоидалар, хулосалар ва тавсиялардан Жиноят-процессуал кодекси, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги, “Жиноят ишини юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида”ги, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги, “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларни, Олий суд Пленуми қарорларини ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқларини ҳамда суд-тергов амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятларини яратиши билан белгиланади, диссертация ишининг

натижаларидан эса ҳуқуқни қўллаш ва илмий тадқиқот фаолиятларида, “Далиллар назарияси”, “Жиноят-процессуал ҳуқуқи”, “Дастлабки тергов”, “Суриштирув”, “Прокурорлик назорати”, “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” каби фанлар бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда, ўқув ва методик қўлланмалар, дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришга оид миллий қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида: жиноят процессуал қонунчилигида фуқароларнинг шахсий маълумотларини олиш ва жиноятга алоқадорлигини текшириш фақатгина суд орқали, яъни инсонпарварлик қоидаларидан келиб чиқиб амалга оширилиши, шахсий сирга оид, почта-телеграф жўнатмаларидаги маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши лозимлигига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 166-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 16 майдаги 06/2947-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш жараёнларини тартибга солишга ҳисса қўшган;

фуқароларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида суд томонидан инсонпарварлик принципларига таянган ҳолда жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш тартибини қонунга киритиш лозимлигига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 166<sup>1</sup>-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 28 сентябрдаги 06/1-05/178ВХ-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши почта-телеграф жўнатмалари юзасидан берилган илтимосномани кўришни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилган;

фуқароларга тегишли жўнатмаларни хатлаш жараёнида судья инсонпарварлик қоидаларига зид равишда процессуал ҳаракатлар амалга оширилганда жўнатмаларни хатлашни рад қилиш ҳақида ажрим чиқара олиши зарурлиги ҳақидаги қонунчилик процессуал қонунчиликка киритиш лозимлигига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 166<sup>2</sup>-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 16 майдаги 06/2947-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши фақатгина судьянинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва уни рад қилиш ҳақида ажрим чиқариш жараёнларини тартибга солишга ҳисса қўшган;

шахс ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, унинг эркинлигини чеклашда инсонпарварлик қоидаларига таянган ҳолда гумон қилинувчини ушлаб туриш муддатларини 72 соатдан 48 соатгача камайтириш орқали оптималлаштириш, қисқартириш зарурияти, унга бўлган процессуал эҳтиёжнинг кўлами ва

йўналишлари, ўрни ва аҳамиятига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 226-моддасига кўшимча ва ўзгартириш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2017 йил 28 сентябрдаги 06/1-05/178ВХ-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши фуқароларни ушлаб туриш муддатларини инсонпарварлаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та (3 та халқаро, 3 та республика) илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш нашр этирилган, жумладан, миллий журналларда 11 та, халқаро журналларда 4 та, илмий анжуманларда 6 та, шунингдек, 1 та монография нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **“Жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва халқаро тажриба таҳлили”** деб номланиб, унда жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш тушунчаси ва ижтимоий зарурати, бу борадаги халқаро ҳужжатлар ва хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган.

Мазкур боб уч параграфдан иборат бўлиб, **“Жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришнинг ижтимоий зарурати”** деб номланган биринчи параграфда “инсонпарварлик” ва “инсонийлик” тушунчалари таҳлил қилинган, “инсонпарварлик”, “ижтимоий муносабатларни инсонпарварлаштириш”, “жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш” каби тушунчалар юзасидан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Шунингдек, мазкур параграфда Жиноят-процессуал кодексда жиноят-процессуал фаолиятнинг тарбиявий функцияси тўғридан-тўғри назарда тутилмаганлиги қонун ҳужжатидаги бўшлиқ сифатида

келтирилган. Зеро, инсонни тарбиялаш ғоясининг жиноят процессидан чиқарилиши инсонпарварлик ечим сифатида баҳоланиши мумкин эмас, чунки жиноят ишларини юритиш амалиёти фуқароларни қонунга хурмат руҳида тарбиялашга кучли таъсир кўрсатишини тасдиқлайди. Бундан ташқари, тарбиялаш вазифаси бошқа ҳуқуқ соҳаларида ҳам мавжуд. Масалан, Жиноят кодексининг 42-моддасида жазонинг мақсадларидан бири маҳкумни ахлоқан тузатишдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу сабабдан, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига жиноят процессининг тарбиявий функцияси билан бир қаторда, уни амалга ошириш усулларидан фойдаланиш тизимини ҳам белгилайдиган норма киритилиши лозимлиги асосланган. Ўз навбатида, Жиноят процессуал кодекси 2-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф қилинган:

*“2-модда. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари*

*Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.*

*Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига оғишмай риоя этиш руҳида тарбиялашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим.*

*Жиноят ишларини юритишнинг тарбиявий вазифасини амалга ошираётганда терговга қадар текширув органлари, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш ва жазолаш усулларини қўллайди.*

*Шахсга унинг ҳуқуқлари, бурчлари ҳамда мазкур бурчларга риоя этиш ва уларни бузишнинг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилганидан кейин шахсга уларни амалга ошириш имконияти берилади. Шахсга қонунда назарда тутилган ҳолларда рағбатлантириш чоралари қўлланилади. Шахс ўзига юклатилган мажбуриятларни бузган тақдирда, мажбурлов усуллари қўлланилади. Шахс ўз бурчларига мажбурий тартибда риоя этишдан бўйин товлаган тақдирда, жазолаш усуллари қўлланилади”.*

Муаллиф томонидан фуқароларни қонунларга риоя этиш ҳамда уларни хурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган процессуал воситаларнинг барчаси ҳам инсонийлик хусусият касб этавермаслиги билдирилган. Хусусан, амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган қоидага мувофиқ, суриштирувчи ва терговчи фуқаронинг оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани ҳақида унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги жамоага хабар беради, суд эса уларга шу иш бўйича суд муҳокамаси қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида хабар беради (ЖПК 41-моддаси). Тадқиқотчи қуйидаги асосларга кўра, мазкур нормани инсонийлик мезонларига зид эканлигини таъкиллади, яъни ҳукмни

махжумнинг ҳаёт фаолияти кечадиган жойларга юбориш баъзан фуқарони қайта тарбиялашга эмас, балки “ҳар эҳтимолга қарши” унинг мазкур жамоадан четлаштирилишига олиб келади. Шу сабабдан, тадқиқот ишида Жиноят-процессуал кодексининг 41-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш таклиф этилган.

Ушбу бобнинг **“Жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш бўйича халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг таҳлили”** деб номланган иккинчи параграфда халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари, жиноят ишларини юритишда инсонпарварлик принципини белгилаш зарурати каби масалалар таҳлил қилинган.

Жиноят ишларини юритишга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жиноят суд иш юритувини инсонпарварлаштириш борасида қуйидаги тавсиялар илгари сурилган: 1) эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш истисно тариқасидаги чорага айланиши, ушбу эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар доирасини торайтириш, қонунчиликда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш учун юқори мезонларни белгилаш, судлар эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш масаласини кўриб чиқишда унга муқобил бошқа чораларни қўллаш имкониятини ўрганишлари шартлигини мустаҳкамлаш зарур; 2) суд назорати доирасини изчил кенгайтириб бориш, хусусан, фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашини тақозо этадиган бошқа тергов ҳаракатлари устидан ҳам суд назоратини жорий этиш лозим; 3) адвокатларга тергов органларидан мустақил равишда далиллар тўплаш процессуал имконияти тақдим этилиши лозим; 4) жиноят суд иш юритувида фуқаролар иштирокини кенгайтириш; 5) соддалаштирилган ва тезлаштирилган иш юритиш айбланувчини давлат айблови органлари билан ҳамкорлик қилиш учун рағбатлантириши лозим, жиноят иши юритувининг тезлаштирилган шакллари қўлланилган барча ҳолларда адвокат иштироки мажбурий бўлиб, малакали юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқ таъминланиши лозим; 6) жинойий таъқибга муқобил бўлган тизимларни янада кенг қўллаш тавсия этилади.

Мазкур параграфда суд-тергов амалиётида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қўллашда етарли аниқликлар мавжуд эмаслиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан “Умумий юрисдикция судлари томонидан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарор ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши таклиф этилган. Шунингдек, халқаро ҳужжатлар мазмунидан келиб чиқиб, ярашув ва бошқа жавобгарликдан озод қилишга қаратилган институтларни жиноят тўғрисидаги хабарларни терговга қадар текшириш босқичидаёқ қўллаш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Ушбу бобнинг **“Жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси”** деб номланган учинчи параграфда жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш хусусида

хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибаси кўриб чиқилган ва атрофлича таҳлил қилинган. Жумладан, унда жиноят-процессуал қонунчиликни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг зиммасига ушланган шахсни қуйидагилар ҳақида дарҳол хабардор қилиш тўғрисидаги мажбуриятни юқловчи қўшимчалар (“Миранда” қондаси) билан тўлдириш таклиф этилган: ушлаб туриш асослари; шахс гумон қилинаётган ёки айбланаётган жиноят тавсифи; адвокат (ҳимоячи) танлашга бўлган ҳуқуқи, шу жумладан, бепул юридик ёрдамга ҳамда сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга бўлган ҳуқуқи; ўзига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи; шикоят қилиш ҳуқуқи; қариндошларини ўзининг ушланганлиги тўғрисида зудлик билан хабардор қилиш ҳуқуқи. Жиноят-процессуал қонунчиликда юқоридаги ҳуқуқлар ҳақида хабардор қилмаслик гумон қилинувчи, айбланувчининг процессуал ҳуқуқларини жиддий бузиш сифатида баҳоланиши тўғрисидаги қондани ҳам киритиш лозим.

Хорижий мамлакатларда жиноят ишларини юритиш бўйича қонун ҳужжатлари таҳлили мамлакатимизда ушбу соҳани қуйидаги йўналишларда ислоҳ этиш мумкинлиги асосланган: *биринчидан*, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, *иккинчидан*, жиноят суд иш юритувида тезлаштирилган ва соддалаштирилган иш юритиш тартибларини қўллаш асосларини янада кенгайтириш, *учинчидан*, жиноят процессининг тарбиявий функциясига бўлган эътиборни кучайтириш, *тўртинчидан*, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жиноят процессининг умумий институтларини инсонпарварлаштиришнинг процессуал-ҳуқуқий масалалари”** деб номланади ва у тўрт параграфдан иборат.

Мазкур бобнинг **“Жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал мақомини инсонпарварлаштириш масалалари”** деб номланувчи биринчи параграфда жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг мақоми, шу жумладан, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ваколатлари инсонпарварлик мезони нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Ушбу параграфда қатор таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилган. Жумладан, жиноий қилмиш оқибатида шахсга зарар етказилиши натижасида унинг яқин қариндошларига ҳам зарар етказилган тақдирда, жабрланувчининг яқин қариндошлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 171-моддасида назарда тутилган жиноят содир этилиши натижасида зарар кўрган шахслар ҳам жабрланувчи деб эътироф этилиши мумкинлиги, терговчи ёки прокурор шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор чиқариш билан биргаликда муайян шахсни фуқаровий жавобгар деб эътироф этиш масаласини кўриб чиқиш шартлиги асосланган. Жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида терговчи ёки прокурор шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорни дастлабки тергов муддати тугашидан камида 5 кун олдин тузиши ва уни тегишли шахсга эълон қилиши шартлигини белгилаш таклиф этилган.

Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда жиноят процесси иштирокчиларига ёрдам бериш учун жалб қилинадиган мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкинлигини ҳуқуқий тартибга солиш кераклиги асослантилган.

Параграфда амалга оширилган илмий изланишлар натижасига кўра ЖПКни қуйидаги мазмунда янги моддалар билан тўлдириш таклиф этилган:

**“74<sup>1</sup>-модда. Вояга етмаган айбланувчига эҳтиёт чораси сифатида кафилликни амалга оширадиган шахслар**

Вояга етмаган айбланувчига эҳтиёт чораси сифатида кафилликни амалга оширадиган шахс сифатида вояга етмаган айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳузурига ва судга ўз вақтида келишини таъминлаш масъулиятини ёзма равишда ўз зиммасига олган ота-она, васийлар, ҳомийлар ёки бошқа ишончга лойиқ шахслар, шунингдек вояга етмаган шахс сақланаётган ихтисослашган болалар муассасасининг мансабдор шахслар белгиланиши мумкин.

**74<sup>2</sup>-модда. Шахсий кафил**

Айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳузурига ва судга ўз вақтида келишини таъминлаш масъулиятини ўз зиммасига олган, ишончга лойиқ вояга етган шахс шахсий кафил бўлиши мумкин.

**74<sup>3</sup>-модда. Гаров берувчи**

Айбланувчининг терговчи, прокурор ҳузурига ва судга ўз вақтида келишини таъминлаш ҳамда у янги жиноятлар содир этишининг олдини олиш мақсадида мазкур эҳтиёт чорасини танлаган органнинг депозит ҳисоб рақамига пул, қимматли қоғозлар ёки қимматбаҳо буюмларни киритган айбланувчи ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс гаров берувчи бўлади.

**74<sup>4</sup>-модда. Статист**

Таниб олиш учун кўрсатиш мақсадида сиртдан таниб олинувчи билан ўхшаш бўлган субъект сифатида чақирилган ва илгари таниб олувчи билан учрашмаган, ишда манфаатдор бўлмаган ҳар қандай шахс статистдир”.

Диссертацияда таъкидланганидек, судга қадар иш юритуви босқичида айблов хулосасини тузиш учун асос бўладиган далиллар аниқланади, текширилади ва баҳоланади. Муаллифнинг фикрича, исбот қилиш – дастлабки тергов босқичининг асосий мақсади, ушбу фаолиятда фойдаланиладиган усул ва воситалар эса, унга эриштирувчи процессуал-ҳуқуқий омиллардир. Ушбу жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишда танлаган процессуал усул ва воситалардан қай тарзда фойдаланишлари, ушбу босқичнинг жадаллигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллаши мумкин.

Шу асосда тадқиқотда дастлабки тергов босқичининг жадаллиги: (а) жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан зудлик билан жиноят ишини кўзғатиш ва зарур бўлган тезкор тергов ҳаракатларини амалга оширган ҳолда, (б) айбдорларнинг айбини фош этиш мақсадида жиноят ишининг барча ҳолатларини тўлиқ, ҳар томонлама ва

холисона аниқлаш, текшириш ва баҳолаш воситасида иш бўйича объектив ҳақиқатни ўрнатиш, шундан сўнг (в) айбдор шахсларни айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилиш масалалари билан алоқага эгаллиги ҳақидаги хулосага келинади.

Шу ўринда дастлабки тергов муддатлари судга қадар босқичида ишларни юритишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Зеро, дастлабки тергов муддатлари: а) тергов жараёнини назорат қилиш; б) тезроқ судга эришиш ҳуқуқини амалга ошириш борасидаги халқаро-ҳуқуқий принцип (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 14-моддаси, 3-қисми, “с” банди); в) жиноят ва жазо ўртасидаги вақтни қисқартириш орқали самарали жазолаш талабларини бажариш шарти; г) аксарият процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг муддатларига риоя этилишини таъминлайди.

Диссертацияда дастлабки терговга тааллуқли асосий ва қўшимча муддатларнинг Жиноят процессуал кодексининг 351-моддасида белгиланган асос ва шартлари, мазмун ва моҳияти таҳлил қилиниб, уларнинг процессуал-ҳуқуқий жиҳатлари МДҲга аъзо мамлакатлар ва бошқа ривожланган давлатлар: ГФР, Франция, Испания қонунчилигида ўрнатилган норматив қоидаларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва улар билан қиёсланган ҳолда, мамлакатимиз жиноят процессининг ушбу институтини такомиллаштириш зарурлиги эътироф этилган. Дастлабки тергов муддатларининг баъзи жиҳатларини таҳлил қилган олимлардан Ф.М.Мухитдинов, И.Г.Смирнов, У.А.Тўхташеванинг қарашлари билан баҳсга киришиб, муаллиф томонидан дастлабки тергов муддатларини халқаро ҳуқуқ нормалари қоидаларида кўрсатилган жиноят-процессуал муносабатлар жадаллигига мослаштириш зарурлиги тўғрисидаги нуқтаи назар асосланган. Ушбу процессуал-ҳуқуқий ғоя асосида Жиноят процессуал кодексининг 351-моддасини такомиллаштириш зарурияти муаллиф томонидан асосланган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи **“Жиноят процессида ҳимоячининг мақомини такомиллаштириш – жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришнинг муҳим омили”** деб номланади. Мазкур параграфда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини жиноят ишларини юритишда айрим тергов ҳаракатларини ҳимоячининг иштирокисиз ўтказишни чекловчи нормалар, жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 96-моддасини қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилган: “Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш фақат унинг ҳимоячиси иштирокида ўтказилади”.

Тадқиқот ишида бевосита амалиётда юзага келаётган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, бугунги кун амалиётида вужудга келаётган муаммолардан бири бевосита, ҳимоячи ўзига керакли бўлган маълумотларни ўз вақтида ололмаслиги, ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олишда юзага келаётганлиги сабабли, давлат органларидан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш учун юборилган сўров аниқ кўрсатилган муддатларда қаноатлантирилиши лозимлиги баён этилган. Шу

сабабдан, Жиноят-процессуал кодексининг 87-модда иккинчи қисмига “тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни” сўзларидан сўнг “сўров олинган кундан этиборан, етти кунлик муддат ичида” сўзларини киритиш таклиф этилган.

Муаллиф адвокат томонидан ишда иштирок этиш жараёнида олган ҳимоя далиллари ёзма тарзда баён этилиши ва жиноят иши материалларига “ҳимоя хулосаси” сифатида қўшиб қўйилиши лозимлигини илгари сурган. Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддаси биринчи қисмида келтирилган ҳимоячининг ҳуқуқлари қаторини “ҳимоя хулосасини тузиш ва ишга қўшиш учун тақдим этиш” ҳуқуқи билан тўлдириш лозимлиги кўрсатилган. Мазкур ҳуқуқнинг реализация механизми сифатида қуйидагилар таклиф этилган: 1) Жиноят-процессуал кодексини “Ҳимоя хулосаси” деб номланган 381<sup>1</sup>-модда ҳамда “Ҳимоя хулосасига иловалар” деб номланган 381<sup>2</sup>-модда билан тўлдириш; 2) Жиноят-процессуал кодексининг 396-моддасида белгиланган жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар рўйхатини “ишда ҳимоя хулосаси тақдим этилганми” деган мазмундаги саккизинчи ҳолат билан тўлдириш; 3) Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддаси мазмунини қуйидаги таҳрирда баён этиш: “Раислик қилувчи суд тергови бошланиши тўғрисида эълон қилади. Суд тергови айблов хулосасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни давлат айбловчиси томонидан ўқиб эшиттиришдан бошланади. Шундан сўнг ҳимоячи томонидан ҳимоя хулосаси ўқиб эшиттирилади ҳамда раислик қилувчи судланувчидан айбловнинг моҳияти унга тушунарли ёки тушунарсиз эканлигини ва ўз айбига иқрорлиги ёки иқрор эмаслигини сўрайди”.

Ушбу бобнинг учинчи параграфи ***“Исбот қилишнинг айрим воситаларини инсонпарварлаштириш хусусиятлари”*** деб номланган бўлиб, унда жиноят ишларини юритиш жараёнида исбот қилиш механизмлари инсонпарварлик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Жумладан, ишда жабрланувчини мажбурий гувоҳлантириш инкор этилган ҳолда, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига гувоҳлантириш фақат гумон қилинувчи ва айбланувчи учун мажбурий ҳисобланиши ҳақида тузатиш киритиш таклиф қилинган.

Муаллиф республикамизда “Хабеас корпус” институтини янада такомиллаштириш заруратидан келиб чиқиб, олиб қўйиш ва тинтув тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш ҳуқуқини фақат судлар томонидан берилишини мақсадга мувофиқлигини билдирган. Шу сабабли, ишда Жиноят-процессуал кодексининг 159-моддасини янги таҳрирда баён этиш, 159<sup>1</sup>, 159<sup>2</sup>-моддалар билан тўлдириш, 161, 162, 164-моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган. Шунингдек, тинтув қилинадиган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл этилса-да, амалдаги процессуал қонунчиликда уларнинг манфаатлари эътиборсиз қолдирилганлиги баён этилган ҳолда, мазкур шахслар холисларга раддия бериш, иштирок этиши лозим бўлган шахслардан бошқа шахсларни тинтув пайтида иштирок этмаслигини талаб қилиш ҳуқуқлари қонунда қайд этилиши кераклиги хулоса

қилинган. Шу мақсадда Жиноят-процессуал кодексига “Тинтув қилинаётган шахсларнинг ҳуқуқлари” деб номланган 160<sup>1</sup>-моддани, шунингдек “Тинтув ёки олиб қўйиш оқибатида етказилган зиённи қоплаш” деб номланган 168<sup>1</sup>-моддани киритиш таклиф этилган.

Ушбу бобнинг кейинги параграфи **“Процессуал мажбурлов чораларини қўллашни инсонпарварлаштириш йўллари”** деб номланган бўлиб, унда процессуал мажбурлов чораларини қўллашни инсонпарварлаштириш имкониятлари атрофлича таҳлил қилинган.

Ишда қайд этилганидек, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида 2009 йилда – 20 816 та, 2010 йилда – 16 743 та, 2012 йилда – 12 681 та, 2013 йилда – 11 023 та, 2014 йилда – 9 817 та, 2016 йилда – 10 547 та, 2017 йилда – 12 883 та материал судда кўриб чиқилган. Шу жумладан, ички ишлар органлари томонидан қамоқ тариқасида эҳтиёт чораси 2012 йилда 8 185 та, 2013 йилда 6 708 та, 2014 йилда 5 908 та, 2015 йилда 6 204 та, 2016 йилда 6 614 та, 2017 йилда 9 673 та, 2018 йилда 6 191 та, 2019 йилда 7382 та ҳолатда суд санкцияси асосида қўлланилган. Бу борада прокуратура органларидаги кўрсаткич 2012 йилда 3 235 та, 2013 йилда 3 094 та, 2014 йилда 2 746 та, 2015 йилда 2 456 та, 2016 йилда 2 920 та, 2017 йилда 2 512 та, 2018 йилда 1 917 тани ташкил этган. Ишда эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қамоқ тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга нисбатан эътирозлар баён этилган. Чунки айтилган ҳолда жиноят қасдан содир этилмаган. Мазкур таклифни амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида амалга ошириш жиноят процессини инсонпарварлаштиришга кўмаклашиши билдирилган. Шу мақсадда Жиноят процессуал кодекси 242-моддасини янги таҳрирда ҳамда Жиноят процессуал кодекси 243-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилган: “Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин”.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштиришнинг процессуал-ҳуқуқий масалалари”** деб номланиб, у икки параграфдан иборат. Бобнинг биринчи параграфи **“Жиноят ишларини судга қадар юртишини инсонпарварлаштириш”** деб номланган. Ишда қайд этилган статистика маълумотларига кўра, жиноят содир этишда гумон қилиниб, прокуратура органлари тергов бўлинмалари томонидан ушлаб турилган шахслар сони 2012 йилда 2 401 та, 2013 йилда 2 313 та, 2014 йилда 2 113 та, 2015 йилда 1 827 та, 2016 йилда 2 061 та, 2017 йилда 1 776 та, 2018 йилда 1 639 тани ташкил этган. Жиноят-процессуал кодексининг 48-моддасида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланган. Аммо гумон қилинувчининг ҳуқуқлари рўйхатига унинг ўзига нисбатан жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини олиш ҳуқуқи ушбу рўйхатга киритилмаган. Гумон қилинувчига унинг ҳимояланиш ҳуқуқини тўлақонли таъминлаш мақсадида Жиноят-процессуал кодекси 48-моддасининг биринчи қисмида келтирилган гумон қилинувчининг ҳуқуқлари

рўйхатини “ўзига нисбатан жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини олиш”, деган сўзлар билан тўлдириш таклиф қилинган.

Тадқиқотчи ишда манфаатдор шахслар ва уларнинг вакилларига ўзларининг ёки ўз вакилларининг илтимосномасига кўра ўтказилаётган тергов ҳаракатларида терговчининг хоҳишидан қатъи назар иштирок этиш ҳуқуқини беришни таклиф қилган.

Шунингдек, ишда Жиноят-процессуал кодекси 101-моддасини қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф этилган:

#### **“101-модда. Сўроқ қилиш тартиби**

Ишнинг моҳияти бўйича сўроқ қилиш сўроқ қилинувчининг муайян сана ва вақтда қаерда бўлганлигини аниқлашдан бошланади. Ушбу саволга жавоб берилгандан кейин сўроқ қилинувчига ишнинг унга маълум бўлган ҳолатлари тўғрисида сўзлаб бериш таклиф қилиниши лозим. Сўроқ қилинувчи эркин сўзлаб берганидан кейин унинг кўрсатувларини тўлдириш ва аниқлашга қаратилган саволлар берилиши мумкин”.

Муаллиф далилларнинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги мезонларини ишлаб чиқиш лозимлигини қайд этган ҳолда, Жиноят-процессуал кодексининг 95-моддасини қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи қисмлар билан тўлдиришни таклиф қилган:

“Жиноят иши бўйича тўпланган далиллар қуйидаги ҳолларда ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб эътироф этилади:

1) агар ишда битта билвосита ёки ҳосила далил мавжуд бўлиб, бошқа далиллар мавжуд бўлмаса;

2) агар ишда экспертиза текширувини ўтказиш жараёнида яроқлилиги йўқолиши мумкин бўлган бирдан-бир далил мавжуд бўлса.

Ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб эътироф этилган далиллардан айблов учун асос сифатида олиниши ёки айбланувчи ўз айбига иқроор бўлиб берган кўрсатувларни тасдиқлаш учун фойдаланиш мумкин эмас”.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 110-моддасида суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин дарҳол ёки йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, сўроқ қилиниши кераклиги белгиланган. Қонунда ушбу норманинг белгиланиши амалиётда кўп ҳолларда ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахснинг йигирма тўрт соат ичида сўроқ қилиниши кўп учрайди. Муаллифнинг фикрича, ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахснинг ушланган ёки қамоққа олингандан дарҳол сўроқ қилиниши жиноят процессида иш юритишнинг инсонпарварлаштиришнинг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, қайд этилган нормани ислоҳ этиш тарафдорларининг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Жиноят-процессуал кодекси 110-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинган:

“Суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин дарҳол сўроқ қилиниши лозим. Гумон

қилинувчи, айбланувчини дарҳол сўроқ қилиш имконияти бўлмаган ҳолларда у йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, сўроқ қилиниши керак. Дарҳол сўроқ қилиш имкониятининг йўқлиги сабаблари сўроқ қилиш баённомасида акс эттирилиши лозим”.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи **“Жиноят ишларини судда юритишни инсонпарварлаштириш”** деб номланиб, унда жиноят ишларини судда юритишни инсонпарварлаштириш имкониятлари кўриб чиқилган. Ушбу параграфда Жиноят-процессуал кодекси 46-моддаси биринчи қисми – айбланувчининг ҳуқуқлари қисмига “жиноят ишини ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисида илтимоснома тақдим этиш” сўзларини киритиш лозимлиги асосланган. Мазкур тақлифни амалга ошириш зарурлиги бир қатор сабаблар билан изоҳланади. Биринчидан, демократия қоидаларига мувофиқ ишнинг очик суд мажлисида кўрилиши инсоннинг ҳуқуқига айланган, лекин бу унинг мажбурияти бўлмаслиги керак. Иккинчидан, киритилган тақлиф халқаро ҳуқуқ нормалари билан мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциянинг 6-моддасига мувофиқ, ҳар ким ўз иши очик мажлисда ва оқилона муддатларда мустақил ва беғараз суд томонидан одилона тингланиши ҳуқуқига эга. Учинчидан, судланувчи ўзи содир этган қилмишдан қаттиқ уят ва пушаймонлик ҳис қилаётган бўлиши мумкин ва ўз иши сир тутилиши ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Чет эл мамлакатлари тажрибасини жиноят процесси иштирокчиларига ўз ҳуқуқларини илтимосномалардан бошқа воситалар ёрдамида ҳам ҳимоя қилиш имконияти берилганини кўрсатади. Масалан, Германияда хусусий айбловчи гувоҳлар ва экспертларни тўғридан-тўғри судга чақириш ҳуқуқига эга (ГФР ЖПК 386-§). Муаллифнинг фикрича, мазкур нормани республикамизнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритиш, унда жиноят ишларини юритишда томонлар тортишуви асосларини ривожлантириш учун имконият яратади. Шу мақсадда Жиноят-процессуал кодекси 53-моддасининг биринчи қисмига “гувоҳ, мутахассис ва экспертларни ишга жалб қилинишини тўғрисида илтимоснома тақдим этиш” сўзларини киритиш тақлиф қилинган.

Шунингдек, мазкур параграфда қуйидаги тақлифлар билдирилган:

1) Жиноят-процессуал кодексининг 468-моддаси 1-қисмини қуйидаги мазмундаги 10-банд билан тўлдириш:

“10) ҳукм устидан шикоят қилиш ёки протест келтириш тартиби, шунингдек апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади”.

2) Жиноят-процессуал кодексининг 479-моддаси 1-қисмини қуйидаги мазмун билан тўлдириш:

“Бунда апелляция, кассация ёки назорат тартибида берилаётган шикоятнинг нусхаси тегишли прокуратура, апелляция, кассация ёки назорат тартибида берилаётган протестнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг назорат тартибидаги шикоятни иш билан бирга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажрими нусхаси маҳкум, жабрланувчи ёки

оқланган шахсга берилиши ҳамда унинг берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат юқори инстанцияга тақдим этилаётган шикоят ёки протестга илова қилиниши лозим”.

Диссертация ишининг **“Алоҳида тоифадаги жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш”** деб номланувчи тўртинчи бобида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, шунингдек ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги жиноят ишларини юритишда инсонпарварлаштириш механизмлари кўриб чиқилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи **“Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишни инсонпарварлаштириш масалалари”** деб номланиб, унда ЖПКнинг Махсус қисми “Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш” деб номланган ўн учинчи бўлимидаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш” деб номланган 60-бобини қайта таҳрирда кўриб чиқиш, мазкур бобни қуйидаги учта параграфга ажратиш асослаб берилган:

1-§. Жиноят ишларини юритишда вояга етмаган шахслар иштирокининг умумий шартлари;

2-§. Жиноят ҳақидаги ариза (хабар)ни текширишда вояга етмаган шахсларнинг иштирок этиш тартиби;

3-§. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш.

Жиноят ишларини юритишда вояга етмаган шахслар иштирокининг хусусиятларини қонунадан мустаҳкамлаш ҳам жиноят процесси фанида, ҳам амалий фаолиятда юзага келадиган асосий масалаларни кун тартибидан чиқариш, жиноят ишлари юритуви вояга етмаган иштирокчисининг турли ҳуқуқий вазиятлардаги ҳуқуқий мақомини муфассал белгилаш, унинг манфаатларини ифода этиш масалаларини тартибга солиш имконини берган бўларди.

Ишда қайд этилишича, вояга етмаганларни тергов қилаётган терговчининг сўроқ қилинувчининг темпераменти, характер хусусиятлари унинг билан яқиндан алоқа ўрнатишда алоҳида аҳамиятга эгаллигини, унинг хатти-ҳаракати хусусиятларини тўғри тушунишга имкон беришини, сўроқ қилишнинг тактик усулларини тегишли равишда ўзгартиришга имкон яратиши лозимлигини англаши муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бизнинг назаримизда, вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда психолог иштирок этиши лозимлиги тақлиф этилган.

Изланишнинг тўртинчи боби иккинчи параграфи **“Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларнинг юритувини инсонпарварлаштиришнинг процессуал-ҳуқуқий жиҳатлари”** деб номланиб, унда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларнинг юритувини инсонпарварлаштириш масаласи кўриб чиқилган. Мазкур параграфда Жиноят-процессуал кодексининг 60-моддасида мустаҳкамланган қонуний вакилга берилган таъриф тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини

қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахс томонидан иштирок этиши имкониятини ҳисобга олмаслиги асосланган. Шу тўғрисида, кўрсатилган нормага тузатиш киритилса, унга қонуний вакил сифатида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахснинг яқин қариндошлари қўшиб қўйилса, ўринли бўлиши билдирилган.

Шу мақсадда Жиноят-процессуал кодексининг 60-моддаси номланиши ва биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинган:

**“60-модда. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилаётган шахснинг қонуний вакиллари**

Қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилаётган шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади”.

Ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида ёки ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаслик ва ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатида содир этган шахсларга нисбатан жиноят ишларини кўриб чиқиш суд амалиётининг таҳлили бундай ишлар бўйича суд тергови босқичида суд-психиатрия экспертизасини ўтказган, ўтказишда иштирок этган эксперт-психиатрни эксперт хулосасининг тадқиқот қисми ва хулосаларини судга тушунтириш учун сўроқ қилиш зарурати юзага келишини кўрсатади. Шунинг билан олиб, Жиноят процессуал кодексини суд терговида экспертнинг мажбурий иштироки тўғрисидаги норма билан тўлдириш таклиф қилинган.

Юридик адабиётларда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахснинг процессуал ҳуқуқларини қонун йўли билан мустақамлаш, Жиноят-процессуал кодексига тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахснинг процессуал мақоми ва ҳуқуқлари тушунчасининг жиноят ишлари юритуви барча иштирокчилари учун тушунарли бўлган таърифини киритиш зарурлиги қайд этилган. Шу нуқтаи назардан, Жиноят процессуал кодексини “Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахс” деб номланган янги модда билан тўлдириш таклиф қилинган.

Диссертант тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахснинг қонуний манфаатлари қуйидагилардан иборат, деган хулосаларни билдирган:

шахс фақат қонуний асослар мавжуд бўлган ҳолда ва қонунда белгиланган тартибда жиноят-процессуал мажбурлов чораларига ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортилиши мумкин;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолда жиноят ишини юритиш тугатилиши лозим;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари фақат мазкур шахс жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишни содир этгани шак-шубҳасиз исботланган ҳолда ва қонунда белгиланган тартибда қўлланилиши мумкин;

мазкур шахснинг ҳаракатларига берилган юридик баҳо, руҳий касаллик ҳолати ва мажбурий даволашнинг тегишли турини қўллаш тўғрисида қарор қонунга ва фактлар тўғрисидаги маълумотларга тўла мос келиши лозим;

қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган ҳолда мазкур шахсни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдан озод қилувчи ҳолатлар терговчи, прокурор ва суднинг эътиборидан четда қолмаслиги керак;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш, ўзгартириш ёки узайтириш тўғрисидаги, худди шунингдек уни бекор қилиш, ўзгартириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги масала руҳий касалликнинг чуқурлиги ва ривожланиш даражаси ҳамда қонунга мувофиқ ҳал этилиши лозим.

Тўртинчи бобнинг **“Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишни инсонпарварлаштириш масалалари”** деб номланган учинчи параграфда Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги норманинг аҳамияти ва ушбу жараёндаги муносабатларни янада инсонпарварлаштириш имкониятлари таҳлил қилинган. Диссертантнинг қайд этишича, жиноят ишлари юритувининг оммавий-ҳуқуқий табиати жиноят процессида диспозитив асослар янада изчил амалга оширилишини истисно этмайди. Шунинг учун ҳам, шу жумладан куйидагилар назарда тутилади: 1) жабрланганнинг шикоятсиз бошланиши мумкин бўлмаган ва айбланувчи етказилган зарарни қоплаган тақдирда, жабрланувчининг айбланувчи билан ярашуви туфайли юритиш тугатилиши лозим бўлган ишлар доирасини кенгайтириш; 2) судга қадар тайёрлаш хусусий айбловчи томонидан амалга ошириладиган ишларнинг тоифаларини белгилаш (асосан маиший-турмуш соҳасида содир этилган, унча хавфли бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишлар); 3) хусусий айбловчининг оммавий айблов жиноят ишини юритишда давлат айбловчиси билан бир қаторда иштирок этиш ҳуқуқини тан олиш; 4) айбланувчи ўз айбига иқрор бўлиб арз қилишига юридик куч бериш: агар бундай арз ихтиёрий равишда суд олдида қилинган бўлса ва шак-шубҳа уйғотмаса, жиноят воқеаси ва уни содир этишда айбланувчининг айбдорлигини исбот қилинган деб эътироф этиш, шундан кейин томонлар кўрсатган далилларни текшириб, жазо тўғрисидаги масалани ҳал этишга ўтиш; жиноят процессида айблов хусусий асосларининг кенгайтирилиши ва медиация институтининг жорий этилиши Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва сиёсий муносабатларда юз берган туб ўзгаришлар билан белгиланади ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, шахс ҳуқуқларининг кафолатларини, унинг процессуал муносабатларнинг ўз хусусий манфаатига эга бўлган эркин, мустақил иштирокчиси сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш учун имконият яратади.

Ушбу бобнинг тўртинчи параграфи **“Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш муаммолари”** деб номланган.

Муаллифнинг қайд этишича, суд мажлисида амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала ҳал қилинаётганда жабрланувчининг фикри инобатга олинмаган. Жиноят процессуал кодексининг 590-моддасига кўра, суд мажлисида амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, шунингдек агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари иштирок этади. Кўришиб турибдики, мазкур ҳолатда ҳам жабрланувчининг иштирок этиши ҳақидаги масалага қонунда эътибор қаратилмаган. Бундай ҳолат эса, амнистия актини қўллаш билан боғлиқ амалиётда кўплаб муаммоларни юзага келтирмоқда. Жумладан, амалиётда амнистия акти асосида жиноят ишининг тугатилиши натижасида жабрланувчининг мулкӣ ҳуқуқлари бузилиши ёки ҳисобга олинмай қолиши, яъни жиноят натижасида етказилган зарар ундирилмай қолиши ҳолатлари юзага келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, кўплаб фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Мазкур масалага Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарорида эътибор қаратилиб, агар шахсга нисбатан жиноят иши Жиноят процессуал кодексининг 84-моддаси биринчи қисмининг 1–8-бандлари, бешинчи қисмининг 1, 3-бандларига мувофиқ тугатилган ҳолда унга нисбатан фуқаровий даъво кўрмай қолдирилади ва манфаатдор шахсларга уларнинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво кўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилиши лозимлиги белгиланган.

Тадқиқотчининг фикрича, мазкур тушунтиришнинг ўзи етарли эмас. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан юқоридаги мазмунда тушунтириш берилган бўлишига қарамасдан амалиётдаги муаммолар ҳал этилмасдан қолмоқда. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Жиноят-процессуал кодексининг 590-моддаси 4-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқлиги баён этилган: “Суд мажлисида амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, шунингдек агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари иштирок этади. Суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида лозим даражада хабардор қилинган мазкур шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги суд мажлисининг ўтказилишига монелик қилмайди”.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 76-моддасини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилган: “Амнистия акти айбдор шахс томонидан содир этилган жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ миқдорда қопланган тақдирдагина қўлланилади”.

## ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот ишининг натижаларини қуйидагича назарий, амалий-ташкилий ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва хулосаларга ажратган ҳолда баён қилиш мақсадга мувофиқ:

## **I. Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича тавсиялар:**

1. Қуйидаги тушунчалар таърифи ишлаб чиқилди:

– *инсонпарварлик* – бу ижтимоий муносабатларнинг инсон шахсини яшаш, озодлик, бахт-саодат, ҳар томонлама камол топиш, ўз қобилиятларини намоён этиш ҳуқуқига эга бўлган фаол ва ақлли ижтимоий индивид сифатида эътироф этишга асосланган, мазкур ҳуқуқларнинг ҳурмат қилиниши, уларга риоя этилиши ва уларнинг амалга оширилиши учун реал шарт-шароитлар яратишга қаратилган, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни, инсоннинг табиатга, бошқа одамларга ва ўз-ўзига бўлган муносабатини белгилайдиган тушунча;

– *ижтимоий муносабатларни инсонпарварлаштириши* – бу объектив ва субъектив қонунларга асосланган, умуминсоний кадриятларни, инсонпарвар муносабатларнинг турлари ва уларнинг амал қилиш соҳаларини миқдор жиҳатидан жамлаш ва сифат жиҳатидан ўзгартиришдан иборат бўлган цивилизациянинг ривожланиши прогрессив жараёни;

– *жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириши* – бу жиноят-процессуал қонунларга асосланган ҳолда жиноят ишини кўзғатиш, тергов қилиш, судда кўриб чиқиш, ҳукм қилиш, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг асослилиги ва адолатлилигини текширишда инсонпарвар муносабатларнинг турлари ва уларнинг амал қилиш соҳаларини миқдор жиҳатидан жамлаш ва сифат жиҳатидан ўзгартиришдан иборат бўлган ривожланиш жараёни.

2. Жиноий ҳаракатлар қайси шахсга қарши қаратилган бўлса, шу шахсина жабрланувчи деб эътироф этилиши мумкинлиги тўғрисидаги масала алоҳида диққатга сазовор. Аммо баъзан бир жабрланувчига нисбатан содир этилган жиноий ҳаракатлар натижасида зарарли оқибатлар унинг қариндошлари учун ҳам келиб чиқиши мумкин. Масалан, қизининг номусига тегилиши натижасида она руҳий ҳолатининг бузилиши юз беради. Бизнингча, бундай шахслар ҳам жабрланувчи деб эътироф этилиш ҳуқуқига (бундан келиб чиқадиган барча оқибатлар билан бирга) эга бўлишлари лозим.

Шуни эътиборга олиб, биз Жиноят процессуал кодексига ўз яқин қариндошларига нисбатан содир этилган жиноий ҳаракатлардан жабрланган шахсларни ҳам, агар жиноят билан юз берган зарарли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш исботланган бўлса, жабрланувчилар деб эътироф этиш имконини берадиган нормани киритиш мақсадга мувофиқ.

Ишда манфаатдор шахслар ва уларнинг вакилларига ўзларининг ёки ўз вакилларининг илтимосномасига кўра ўтказилаётган тергов ҳаракатларида терговчининг хоҳишидан қатъи назар иштирок этиш ҳуқуқини беришни таклиф қилинган.

3. *Вояга етмаган жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчига қонунда назарда тутилган шахслар орасидан қонуний вакилни танлаш ҳуқуқини бериш таклиф этилади*, чунки амалда баъзан шундай вазиятлар ҳам учрайдики, ўсмир, айтайлик, отасини у билан муносабатлари яхши эмаслиги туфайли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига таклиф қилмасликни, унинг ўрнига онасини

таклиф қилишни сўрайди. Бизнинг назаримизда, мазкур қоида жиноят процессининг вояга етмаган иштирокчиси учун танлаш ҳуқуқини кенгайтиради ва унинг ўзи танлаган вакилга эга бўлиш имкониятини мустаҳкамлайди.

4. Жиноят процессида инсонпарвар кадриятларни амалга ошириш халқаро кафолатларини мустаҳкамлашнинг куйидаги йўллари ва усуллари таклиф этилади: 1) халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш; 2) халқаро-ҳуқуқий нормаларни қўллайдиган миллий судлар лозим даражада фаолият кўрсатишларини таъминлаш учун халқаро ҳуқуқ ютуқларидан янада кенг фойдаланиш; 3) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ва уни қўллаш амалиётини жиноят ишлари юритуви соҳасида амал қиладиган халқаро ҳуқуқ нормалари билан мувофиқ ҳолатга келтириш; 4) халқаро-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш давлат ички механизмини ривожлантириш; 5) аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг ривожланиши.

5. Францияда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими Ўзбекистон Республикасида мавжуд томонлар тортишувига асосланган жиноят ишлари юритуви учун андоза бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳимоя томонига ҳам, айблов томонига ҳам тегишли бўлмаган, жиноят процесси иштирокчилари ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини лозим даражада амалга оширишлари устидан назорат олиб борадиган махсус ваколатли суд органлари (тергов судьяси)ни тузиш дастлабки тергов босқичидаёқ шахс ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишни жиноят процесси босқичларида бундай ҳуқуқларга риоя этиш ва уларни таъминлаш мажбуриятини айблов томонига юклашга қараганда кўпроқ даражада таъминлаши мумкин эди.

6. Гувоҳни овозига кўра идентификация қилиш хавфи мавжуд бўлган ҳолда, сўроқ қилиш акустик шовқинларни яратиш билан бир вақтда амалга оширилиши мумкин. Агар гувоҳни техника воситалари ёрдамида сўроқ қилишнинг иложи бўлмаса, суд (судья) уни судланувчининг йўқлигида сўроқ қиладди. Сўроқ қилинган гувоҳ суд мажлиси залидан чиқариб юборилади. Мазкур масала бундай муфассал тартибга солингани фақат ижобий баҳога лойиқ ва Ўзбекистон Республикасининг жиноят ишлари юритуви тизимида жорий этилиши мумкин.

7. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мезонлари янада аниқ ифодаланиши лозим. Чет элда қўлланиладиган чораларнинг аксарияти миллий қонунчилик даражасида ўзлаштирилиши мумкин ва бунинг учун амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

## **II. Жиноят-процессуал ва жиноят қонунчилигини ҳамда бошқа қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

1. Тадқиқот натижаси сифатида ишда баён этилган таклифларнинг барчаси умумлаштирилган ҳолда *Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят ишлари юритувининг янада инсонпарварлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси* ҳамда мазкур қонун

лойихаси юзасидан қиёсий жадвал ишлаб чиқилди. Ушбу лойиха ва қиёсий жадвал диссертациянинг 2 ва 3-иловаларида келтирилган.

2. Юқорида қайд этилган қонун лойихасида келтирилган таклифлардан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг 70-моддаси биринчи қисмини қуйидаги ҳуқуқлар билан тўлдириш таклиф қилинади:

- таржимон хизматидан фойдаланиш;
- агар у процессуал ҳаракатда иштирок этиш учун чақирилган бўлса, уни юритиш тартибини билиш;
- ўзини ўзи рад қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишини юритишда иштирок этишдан бош тортиш;
- ўз иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларнинг баённомалари билан танишиш;
- жиноят ишининг тушунтиришлар бериш учун зарур бўлган объектлари ёки материалларини талаб қилиш;
- ўз вазифаларини бажарганлик учун ҳақ олиш, улар хизмат топшириғи тартибида бажарилган ҳоллар бундан мустасно;
- тергов ҳаракати юритилаётган жойга келиш ва бу ерда яшаш билан боғлиқ ҳаракатлар қопланишини талаб қилиш.

3. Жиноят-процессуал кодексининг Махсус қисми “Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш” деб номланган ўн учинчи бўлимидаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш” деб номланган 60-бобини қайта таҳрирда кўриб чиқиш, мазкур бобни қуйидаги учта параграфга ажратиш мақсадга мувофиқ:

*1-§. Жиноят ишларини юритишда вояга етмаган шахслар иштирокининг умумий шартлари;*

*2-§. Жиноят ҳақидаги ариза (хабар)ни текширишда вояга етмаган шахсларнинг иштирок этиш тартиби;*

*3-§. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш.*

4. Жиноят процессуал кодексининг 61-бобини шахс жамият учун ўта хавфли бўлган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган тақдирда, терговчининг тергов органи раҳбари розилиғи билан берилган илтимосномасига кўра суд қарорига биноан мазкур шахсни суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш учун психиатрия стационарига жойлаштириш имкониятини назарда тутадиган норма билан тўлдириш таклиф қилинади.

5. Ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида ёки ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаслик ва ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатида содир этган шахсларга нисбатан жиноят ишларини кўриб чиқиш суд амалиётининг таҳлили бундай ишлар бўйича суд тергови босқичида суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда иштирок этган эксперт-психиатрни эксперт хулосасининг тадқиқот қисми ва хулосаларини судга тушунтириш учун сўроқ қилиш зарурати юзага келишини кўрсатади. Шунининг илоҳотида олиб, Жиноят процессуал кодексини суд терговида экспертнинг мажбурий иштироки тўғрисидаги норма билан тўлдириш таклиф этилади.

6. Юридик адабиётларда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахснинг процессуал ҳуқуқларини қонун йўли билан мустаҳкамлаш, жиноят-процессуал кодексига тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахснинг процессуал ҳуқуқлари тушунчасининг жиноят ишлари юритуви барча иштирокчилари учун тушунарли бўлган таърифини киритиш зарурлиги қайд этилган. Шу нуқтаи назардан Жиноят-процессуал кодексини *“Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахс”* деб номланган янги модда билан тўлдириш таклиф этилади.

7. Хорижий мамлакатларда жиноят ишларини юритиш бўйича қонун ҳужжатлари таҳлили мамлакатимизда ушбу соҳани қуйидаги йўналишларда ислоҳ этиш мумкинлигини кўрсатди: *биринчидан*, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, *иккинчидан*, жиноят суд иш юритувида тезлаштирилган ва соддалаштирилган иш юритиш тартибларини қўллаш асосларини янада кенгайтириш, *учинчидан*, жиноят процессининг тарбиявий функциясига бўлган эътиборни кучайтириш, *тўртинчидан*, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш.

8. Ўзбекистон Республикасида ҳам ярашув институтини қўллаш асосларини янада кенгайтириш мақсадида, *биринчидан*, ярашувни ишни судга қадар юритиш босқичида, шу жумладан, жиноят ишини қўзғатмай туриб ҳам қўллаш имкониятини белгилаш; *иккинчидан*, ярашувни қўллаш мумкин бўлган жиноятлар доирасини кенгайтириш; *учинчидан*, ярашувни янада ривожлантириб, медиация институти даражасига кўтариш мақсадга мувофиқ.

9. Жиноят-процессуал қонунчиликни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг зиммасига ушланган шахсни қуйидагилар ҳақида дарҳол хабардор қилиш тўғрисидаги мажбуриятни юқловчи қўшимчалар (*“Миранда”* қоидаси) билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: ушлаб туриш асослари; шахс гумон қилинаётган ёки айбланаётган жиноят тавсифи; адвокат (ҳимоячи) танлашга бўлган ҳуқуқи, шу жумладан, бепул юридик ёрдамга ҳамда сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга бўлган ҳуқуқи; ўзига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи; шикоят қилиш ҳуқуқи; қариндошларини ўзининг ушланганлиги тўғрисида зудлик билан хабардор қилиш ҳуқуқи. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқоридаги ҳуқуқлар ҳақида хабардор қилмаслик гумон қилинувчи, айбланувчининг процессуал ҳуқуқларини жиддий бузиш сифатида баҳоланиши тўғрисидаги қоидани ҳам киритиш лозим.

10. Жиноят кодекси 76-моддасини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

*“Амнистия акти айбдор шахс томонидан содир этилган жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ миқдорда қопланган тақдирдагина қўлланилади”*.

**III. Суд-тергов амалиётининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар:**

1. Вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда айнан педагог иштирок этиши лозимлигига қўшила олмаймиз. Изоҳли луғатларда берилган таърифларга кўра,

педагогика деганда “ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги фан” тушунилади, психология эса “психик фаолиятнинг қонуниятлари, жараёни ва тараққиёти ҳақидаги фан; бирор фаолият билан боғлиқ бўлган психик жараёнлар мажмуи” сифатида талқин қилинади. Шу сабабли, қонун чиқарувчининг вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда таълим ва тарбия соҳасидаги мутахассис (педагог) иштирок этиши ҳақидаги талаби, бизнингча, ўринли эмас, чунки сўроқ қилишнинг мақсади вояга етмаган шахсни тарбиялашдан эмас, балки ундан тергов учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ҳақида маълумотлар олишдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда, *вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда психолог иштирок этиши керак.*

2. Судга қадар иш юритиш босқичига ювенал юстициянинг асосий элементларини жорий этиш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

1) ювенал судларга аналогия сифатида судьяларни ҳамда вояга етмаганлар иштирокидаги жиноят ишларини тергов қилишга терговчиларнинг ихтисослашувини назарда тутиш;

2) бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг процессуал ҳуқуқларини ЖПК нормаларида мустаҳкамлаш имкониятини кўриб чиқиш;

3) ювенал психологлар хизматини ташкил этиш.

3. Ҳозирги кунда суд-тергов амалиётида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қўллаш ҳоллари учрамайди. Бу борадаги вазиятга аниқлик киритиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан “Умумий юрисдикция судлари томонидан халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарор** ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

4. Халқаро ҳужжатлар мазмунидан келиб чиқиб, ярашув ва бошқа жавобгарликдан озод қилишга қаратилган институтларни жиноят тўғрисидаги хабарларни дастлабки текшириш босқичидаёқ қўллаш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

5. Жазони ижро этиш жойларида маҳкумларни ахлоқан тузатиш жараёнини тартибга солувчи алоҳида қонун қабул қилиш, шунингдек, айрим Европа давлатлари ва АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб, уларнинг реабилитация билан шуғулланувчи махсус орган ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Дастлабки босқичда ушбу масалаларни ечими сифатида махсус давлат дастури қабул қилиниши ҳам тўғри бўлар эди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.32/30.12.2019.Yu.74 01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ  
НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МАТКАРИМОВ КУДРАТ КАЛАНДАРОВИЧ**

**ГУМАНИЗАЦИЯ УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА**

**12.00.09 – Уголовный процесс. Криминалистика, оперативно-розыскное  
право и судебная экспертиза**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора юридических наук (DSc)**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.3.DSc/Yu314.**

Диссертация выполнена в Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме) в информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:**

**Миразов Даврон Мирагзамович**  
доктор юридических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ражабов Бахтиёр Алмахматович**  
доктор юридических наук, доцент

**Рахмонова Сурайё Махмудовна**  
доктор юридических наук, доцент

**Астанов Истам Рустамович**  
доктор юридических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Каракалпакский государственный  
Университет имени Бердаха**

Защита диссертации состоится «29» мая 2020 года в 10:00 на заседании Научного совета DSc.32/30.12.2019.Yu.74.01 при Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан (Адрес: 100109, Ташкентская область, Зангиатинский район, поселок Чорсу. Тел.: 230-32-71; факс (99871) 230-32-50; [mg-hti@umail.uz](mailto:mg-hti@umail.uz)).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан (зарегистрирована под № 1767/2), (Адрес: 100109, Ташкентская область, Зангиатинский район, поселок Чорсу. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Автореферат диссертации разослан «16» мая 2020 года.

(протокол реестра № 1 от «16» мая 2020 года).

**М.Х.Рустамбаев**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

**М.Т.Ахмедова**

Секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат юридических наук, доцент

**М.Б.Усмонов**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской (DSc) диссертации)

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Во всем мире усиливается тенденция по всемерному воплощению соблюдения критериев гуманизма при собирании и проверке доказательств, применении мер процессуального принуждения, возмещении имущественного ущерба, причиненного преступлением, предупреждении преступлений, реабилитации, применении процессуальных сроков и издержек, обеспечении неприкосновенности прав и свобод личности при производстве дел в суде, процессе исполнения приговоров, определений и решений в уголовном судопроизводстве.

В мире приоритет общепризнанных норм международного права закреплен в ряде законодательных актов. В частности принято более 400 международных документов по правам человека. В данных международных актах установлены международные стандарты в области прав человека, принцип их приоритета над национальными законами признаны государствами. Естественно, в этих документах гуманистические ценности занимают центральное место. В частности, статья 55 Устава ООН закрепляет необходимость «Всеобщего уважения и соблюдения прав человека и основных свобод для всех, без различия расы, пола, языка и религии и содействия их реализации»<sup>1</sup>. Анализ законодательства многих зарубежных стран показывает, что в них внедрены эффективные механизмы обеспечения прав и свобод участников уголовного процесса, широкого использования ускоренных и упрощенных процедур в уголовном судопроизводстве, обращается особое внимание на воспитательную функцию уголовного процесса, приоритетного значения критериев гуманизма при участии лиц в уголовном процессе.

В результате последовательно осуществляемых в нашей республике реформ, в 2001 и 2017 годах были специализированы суды общей юрисдикции<sup>2</sup>, с 2008 года право выдачи санкции на заключение под стражу, с 2012 года – на отстранение лица от должности и помещение лица в медицинское учреждение, с 2017 года – на арест почтово-телеграфных отправок и эксгумацию трупа было передано в полномочия судов<sup>3</sup>, с 2016 года были отменены все виды встречных проверок деятельности субъектов предпринимательства, в том числе в рамках уголовных дел<sup>4</sup>, с 2017 года было отменено наказание в виде ареста, срок задержания лиц, подозреваемых в совершении преступления был сокращен с 72 часов до 48 часов, максимальные сроки заключения под стражу и

---

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг низоми ва Халқаро суд статуту. – Тошкент, 2008. – С. 29.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 14 августа 2000 года «О совершенствовании судебной системы Республики Узбекистан» // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2000 г., № 7-8.

<sup>3</sup> Закон Республики Узбекистан от 18 сентября 2012 года «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с дальнейшим реформированием судебно-правовой системы» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г., № 38, ст. 433.

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 5 октября 2016 года №УП-4848 «О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2016 г., № 40, ст. 467.

домашнего ареста, а также предварительного расследования были сокращены с 1 года до 7 месяцев, ликвидирован институт возвращения судом уголовного дела для дополнительного расследования<sup>1</sup>. Как говорит Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев, Уголовный и Уголовно-процессуальный кодексы были приняты около 25 лет назад и перестали отвечать современным требованиям, ведь сегодня и мышление, и мировоззрение, и потребности наших людей кардинально изменились<sup>2</sup>. Поэтому сегодня объективный анализ, логика и последовательность наших реформ, необходимость разработки наиболее эффективных методов и инструментов уголовного судопроизводства показывают наличие серьезной потребности дальнейшего совершенствования и гуманизации уголовно-процессуального законодательства.

В нашей республике осуществляются широкомасштабные реформы для надежной защиты прав и свобод человека, гуманизации уголовного судопроизводства. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годах в числе актуальных задач были определены совершенствование и либерализация норм уголовного и уголовно-процессуального законодательства, декриминализация отдельных уголовных деяний, гуманизация уголовных наказаний и порядка их исполнения<sup>3</sup>. Приведенные в Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису слова, «Каждый человек, переступивший порог суда, должен быть полностью уверен, что в Узбекистане неукоснительно соблюдаются принципы законности и справедливости»<sup>4</sup>, определяют, что дальнейшая гуманизация уголовно-процессуального законодательства является велением времени.

